## Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 57-ҳадис

953-57- عَنْ أَنَسٍ رضي الله عنه [قَالَ]: (كَانَ رَسُولُ اللهِ صلى الله عليه وسلم لَا يَغْدُو يَوْمَ الْفِطْرِ حَتَّى يَأْكُلَ تَمَرَاتٍ)، وَعَنْهُ مِنْ طَرِيقٍ ثَانٍ: (وَيَأْكُلُهُنَّ وِتْرًا).

57- 953. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр куни бир неча хурмо емасдан (намозгоҳга) чиқмас эдилар».

У кишига иккинчи йўлдан келишича, Анас розияллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни тоқ ердилар», деб сўзлаган».

**Изоҳ:** Фитр куни – Рамазон ҳайити куни. «Фитр» – «оғиз очиқлик» дегани. Рамазон ҳайити куни рўзадан чиқиб, илк оғиз очиқ юриладиган кун бўлгани учун шундай номланган.

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI